

Ilhom NABI. DERAZANGNI CHERTAMAN. (She'rlar)

Муаллифнинг биринчи китоби

Илҳом НАБИ

# ДЕРАЗАНГНИ ЧЕРТАМАН

(Шеърлар)

«Хаёт» нашриёти  
Андижон - 2005 йил.

84(54)6-3



103199  
091

Сендан кетсам, кўзда ёш -  
Меҳринг бўлакча экан.  
Бугун бари бўлди фош -  
Сеҳринг бўлакча экан,  
Андижон!

*Илҳомжоннинг шеърлари Аъзамжон Аҳмадалиев, Мир-  
жалоол Искандаров каби истиқболли ёш хонандалар томо-  
нидан куйлаб келинмоқда.*

*Ушбу тўпламга унинг мустақиллик, Ватан, севги-  
садоқат, дўстлик, она табиат мавзуидаги содда, халқ  
оҳангдаги шеърлари киритилди.*


27-01-04

ХГ-НИ- -----ША

25-01-05

Илҳом Наби. «Деразангни чертаман». (Шеърлар)

© «Хаёт». А. 2005.





## Қалб алангаси

Андижонда бадий ижодга меҳр қўйиб, жиддий изланаётган ёшлар анчагина. Бу ёшларнинг аксарияти машқларида сўзга эътибор баланд. Ижод масъулиятини кучли ҳис қилиш туйғуси сезилади. Мазкур фазилатлар ўқувчида уларнинг истиқболига умид уйғотади.

Асакалик Илҳом Наби шеърларини ўқиганимда, юқоридагидек фикрлар хаёлимдан кечди.

Чиндан ҳам бу ёш шоирнинг юрагида аланга бор, одамларга айтадиган муҳим, дардли гаплари бисёр. Аммо у:

Тонг - саҳарда тушиб чўкка,  
Илтижо-ла боқдим кўкка,  
Бир сўз айтдим кўз ёш тўка:  
- Мендан шоир чиқармикан? -

Ёки:

Қийнаса-да қалбини дардлар,  
Кимдир ярим йўлидан қайтар,  
Кимдир тугал ўз сўзин айтар,

Айтилмаган гап кўп оламда, - дея камтарлик билан фикр билдиради.

Мен умидли қалб журъати ва камтарлиги, заҳматдан чўчимаслигини, унда иқтидор алангасини кўриб қувондим.

Шу қувончимни Сиз билан баҳам кўрмоқни орзу қилдим, азиз ўқувчи.

**Усмонжон ШУКУРОВ,**  
20 январь, 2005 й.



## ОНАМСАН, ВАТАН

1.

Меҳрингдан ҳеч этмай бенашиб,  
Юзларимга лабларинг босиб,  
Фарзанд бўл деб элга муносиб,  
Алла айтган онамсан, Ватан.

Баъзида кенг, баъзида торсан,  
Қўллагайсан - чин мададкорсан,  
Минг шукурки, бахтимга борсан,  
Нурли кулбам-хонамсан, Ватан.

Ойу Қуёш, Осмону Ер ҳам,  
Боқсак, бари бирдек бўлар жам,  
Гўзаллигинг кўз олар бирам,  
Ушбу ёруғ оламсан, Ватан.

Қай бир инсон сени суймаган,  
Муҳаббатинг билан куймаган,  
Кексайганда, кўзлар қиймаган -  
Кўзмунчоқдек боламсан, Ватан.



2.

Ўзалликда тенги йўқ диёр,  
Барча сенда яшар бахтиёр,  
Ҳавас қилса арзир меҳр бор,  
Ўзбекистон, севаман сени.

Бағринг илиқ, ҳушдир ҳавоинг,  
Фарқи бордир ҳар бир навонинг,  
Байти тирик Навоийнинг,  
Ўзбекистон, севаман сени.

От чоптирса, титраган замин,  
Ёв биларди қиличин дамин,  
Темур буюк, бўламан амин,  
Ўзбекистон, севаман сени.

Майли, жиндек бағри куюкман,  
Буюк юртда бу кун суюкман,  
Фарзандингман, сен-ла тирикман,  
Ўзбекистон, севаман сени.



## ОСМОНГА НАРВОН ҚҶЙИБ

Тунда зўр иш қиламан,  
Кўкка боқмам ўйланиб.  
Ахир бағрим тиламан,  
Ҳар тун ойга бўйланиб.

Ҳолимдан хабар олиб,  
Бир бор пастга тушмас у.  
Турар хаёлга толиб,  
Қаноти йўқ, қушмас у.

Чиқаман ой ёнига,  
Осмонга нарвон қўйиб.  
Оро кириб жонига,  
Сухбат қурамыз тўйиб.

Тонгда яна қайтаман,  
Юрагим завққа тўлиб.  
Сирли қўшиқ айтаман,  
Барча тинглар лол бўлиб.



## ОЙ...

Нозланиб, ой, юзларингдан,  
Шамолларга бўса берма.  
Бугун сени соғинганман,  
Юзинг мендан тўсаверма.

Чўққиларга чиқдим атай,  
Сен-ла суҳбат қурмоқ учун.  
Ахир бизлар ёлғиз бу кун,  
Уёласан, айтгин, нечун?

Оро бериб ўсма қўйсанг,  
Қошларингни кўрмоқчиман.  
Ёниб турган лабларингдан,  
Тўйиб-тўйиб сўрмоқчиман.

Ўраб сени сўз очсалар,  
Ишонтирма юлдузларни.  
Мен ҳам сенга содиқдурман,  
Дилим айтур бу сўзларни!

Маили, ёнгин қучоғимда,  
Симоб каби эриб кетгин.  
Кутиб яшай, кетар бўлсанг,  
Менга ваъда бериб кетгин.



## ЯНТОҚ

Қир-адирда ўсаётган янтоқман мен,  
Узун қарвон туялари еб ўтади.  
Яраланган япроғимга туз сепгандай,  
Шамол туриб, юзларимни қум ўпади.

Саҳроларда мажнунларнинг дардкашиман,  
Балки бунда ҳаёлларда гул бўламан.  
Нетай, ёлғиз қумга ботиб ўсаяпман,  
Ўзим шоҳу ўзим баъзан қул бўламан.

Армонлардан юзим қуйи бўлмас, аммо  
Шудринг бўлиб ёш тўлади кўзларимга.  
Ширин ҳаёт умид боғлар ҳаётимга,  
Охулар лаб қўяр бир кун юзларимга.

Баҳор чоғи безайман кенг саҳро, чўлни,  
Яшасам-да йиғлаб-йиғлаб қарвон йўлда.  
Водий қанча гўзал бўлса, бўлсин, майли,  
Менинг суйган ватаним шу қумли чўлда...



## ТУРОН ЭДИК

Ота-ю онамиз бир,  
Оға-ини бешовлон.  
Ташвиш, тақдримиз бир,  
Оғалармиз бешовлон.

Қозоқдан келин олиб,  
Қирғизларга қиз бердик.  
Туркман, тожик ва ўзбек,  
«Мен» демайин, «биз» дердик.

Наъра тортсак, тоғлар ҳам.  
Гўёки кулар эди.  
Ишимизда доимо,  
Бахтимиз кулар эди.

Ўвларга ён бермаган,  
Ўт эдик, қирон эдик.  
Барча бир улуг элат,  
Биз буюк Турон эдик...



## КАПАЛАК

1.

Бизлар атагаймиз дунёни бир кам,  
Шодликлари йўғу, кўп деб бунда ғам,  
Бир кеча, бир кундуз яшаганда ҳам,  
Капалак умридан рози бўларкан.

Ўттизга кирсак-да, нима қилибмиз,  
Қирқ ёшга борганда буни билибмиз,  
Беҳуда оҳ дея юрак тилибмиз,  
Капалак умридан рози бўларкан.

Қирқ беш-эликка тўлади одам,  
Кимдир ҳолсизланиб, ким эса бардам,  
Аввалроқ ўйласак бўлади ҳар дам,  
Капалак умридан рози бўларкан.

Баъзилар тўларкан қутлуғ олтмишга,  
Кимларнинг ёшлари етди етмишга,  
Айланар бу кунлар бир кун ўтмишга,  
Капалак умридан рози бўларкан...

2.

Эртаю кеч тиним билмайсан,  
Қайси гулнинг болини ичдинг?  
Чўққиларни писанд қилмайсан,  
Осмонларни келади қучгинг.

Гўё учар гулга ўхшайсан,  
Кел қўлимга, юзингдан ўпай.  
Уйинг қайда, қайда яшайсан?  
Излаб бориб, изингдан ўпай.



Оқ кийинган, оппоқ келинчак -  
Гул ушласа, гулларига кўн.  
Кел, учайлик бирга ҳалинчак,  
Ҳеч бўлмаса, шу сўзимга кўн.

Оппоқ қордай тушдингми ерга,  
Аслида ҳам уйингми фалак?  
Сени севиб, соламан шеърга,  
Капалакка айланган малак...

## УНИНГ ТҶЙИ БЎЛЯПТИ

Баҳор эди, куз эди,  
Дилрабо зўр қиз эди,  
Юраккинам муз энди,  
Унинг тўйи бўляпти.

Боқса, тошдек қотардим,  
«Қуёш», «Ой» деб атардим,  
Бир кун севгим айтардим,  
Унинг тўйи бўляпти.

Кўз ёш ёмғир, қор бўлар,  
Ҳижронлари ёр бўлар,  
Дунё менга тор бўлар,  
Унинг тўйи бўляпти.

Гўё лола гул каби,  
Кўзимда ғунча лаби,  
Қўй энди, Илҳом Наби,  
Унинг тўйи бўляпти...



## МЕНДАН ШОИР ЧИҚАРМИКИН?

Тонг саҳарда тушиб чўкка,  
Илтижо-ла боқдим кўкка,  
Бир сўз айтдим кўз ёш тўка:  
Мендан шоир чиқармикин?

Турли-туман шеърларим бор,  
Ҳофиз куйлар, қўлида тор,  
Сўрагайман такрор-такрор:  
Мендан шоир чиқармикин?

Эл танидим қалам билан,  
Мен танилдим қалам билан,  
Ҳанузгача ўзим билмам:  
Мендан шоир чиқармикин?

Барча шоир менга устоз,  
Барчасини қилгум эъзоз,  
Аниқ билсам бўларди соз;  
Мендан шоир чиқармикин?



## ҚАЙДА БЎЛАДИ

Ҳомий излаб топгин, дер дўстим,  
Ўтирмагин, чопгин, дер дўстим,  
Тўғри, менинг ғамим ер дўстим,  
Ҳомий ўзи қайда бўлади?

Шеър ёзаман, тиланмайман ҳеч,  
Кўп ўйланиб, қийналмайман ҳеч,  
Китоб чиқар эртами ё кеч,  
Ҳомий ўзи қайда бўлади?

Ўзин қайси бойдан кам қилай,  
Корхонада бошлиқ ҳар қалай,  
Молу мулки ўзи бир талай -  
Ҳомий ўзи қайда бўлади?

Сайр қиламан гулзорлар аро,  
Навоийдек эмасман асло,  
Ҳар бир дўст ҳам эмас Байқаро,  
Ҳомий ўзи қайда бўлади?



## БАХТ КАЛИТИ

Эшитдим бугун шуни;  
Бахтнинг калити бормиш.  
Ҳаттоки кутиб турмас,  
Вақтнинг калити бормиш.

Агар шундайин бўлса,  
Қидирардим, чопардим.  
Бахтнинг калитин излаб,  
Албат бир кун топардим.

Ҳа, топсам бўлар экан,  
Изласам ўз уйимдан.  
Бахт ҳам, вақт ҳам ушбу кун  
Меҳмон экан уйимда.

Ота-онам розидир,  
Бахтнинг калити менда.  
Улғаяди фарзандим,  
Вақтнинг калити менда.



## СИЗНИ ҲЙЛАЙМАН

Кунда Ҳйлайман сизни,  
Тунда Ҳйлайман сизни.  
Нозингизни соғиниб,  
Шунда Ҳйлайман сизни.

Сойдаги паридайин,  
Кийиниб ҳарир, майин.  
Дилга Ҳт солаяпсиз,  
Соат сайин, кун сайин.

Тўйни қайда қиламиз?  
Балки ойда қиламиз.  
Ёки барча тўпланган,  
Гавжум жойда қиламиз.

Бахт эшигин очамиз,  
Ғамдан буткул қочамиз.  
Кўкка чиқсак, дўстларга,  
Юлдузларни сочамиз.



## СҮНГГИ ҚҰНҒИРОҚ

Кўзларимда ёш, тақдирга кўнмай,  
Ҳеч ким кўнглимни қила олмас чоқ,  
Бугун чалинар, чалинар тинмай,  
Сўнгни кўнғироқ, сўнгни кўнғироқ.

Кеча дераза хатлаб тушгандим,  
Мен қучоғингда қушдек учганим,  
Чалинма дея маҳкам қучганим  
Сўнгни кўнғироқ, сўнгни кўнғироқ.

Азиз устозим, азиз муаллим,  
Юраги тўла меҳр лиммо-лим,  
Айтар сўзим кўп бир пас турса жим  
Сўнгни кўнғироқ, сўнгни кўнғироқ.

Севги бобида ёшман, гўр эдим,  
Ойдек қиз билан бирам зўр эдим,  
Кўзларимдаги ёшни кўр дедим,  
Сўнгни кўнғироқ, сўнгни кўнғироқ.

## ҚУЁШЛИ ДУНЁ


Туш кўрдим: ёмғиру, кўз ёшсиз дунё,  
Одамлар типсиз, лек шод яшар гўё,  
Булутлар сузмайди, осмони ҳам йўқ,  
Қуёшсиз дунё бу, қуёшсиз дунё.

Анҳорда сузади тинчлик кемаси,  
Шафтоли шохида анжир меваси,  
Соқов дунёнинг йўқ экан шеваси,  
Қуёшсиз дунё бу, қуёшсиз дунё.

Юлдузлар ястаниб ерда ётади,  
Ой эса ўраниб, ухлаб қотади,  
Ифвогар кимсалар обрў топади,  
Қуёшсиз дунё бу, қуёшсиз дунё.

Садоқат бўлмайди, севги бўлмайди,  
Дўстона ҳиссиёт - сезги бўлмайди,  
Туғилиш бўлмайди, ҳеч ким ўлмайди,  
Қуёшсиз дунё бу, қуёшсиз дунё.

Тун бўйи ўй-хаёл бағримни тилди,  
Оҳ урдим, оҳ уриб йиғлаб тутилдим,  
Яхшиям, уйғониб тушдан қутулдим -  
Қуёшли дунё бу, қуёшли дунё.





## МУҲАББАТНИНГ РАНГИ

Ишқ излаб топилмайди,  
Тиллога сотилмайди,  
Олардим сотилсайди,  
Буни ошиқлар билар.

Бирор қиз қолса ёқиб,  
Ором оласан боқиб,  
Юрагинг тушар оқиб,  
Буни ошиқлар билар.

Кимдир куйиб қул бўлар,  
Кимдир боғда гул бўлар,  
Баъзан суйиб қул бўлар  
Буни ошиқлар билар.

Юрак қўмсар янги ёр,  
Ҳар бир гулнинг чанги бор,  
Муҳаббатнинг ранги бор,  
Буни ошиқлар билар.



## АНДИЖОН

Сендан кетсам, кўзда ёш -  
Меҳринг бўлакча экан.  
Бугун бари бўлди фош;  
Сөҳринг бўлакча экан.

Кетганим йўқ юз буриб,  
Яна қайтиб келаман.  
Яланг оёқ югуриб,  
Қўшиқ айтиб келаман.

Бобур, Чўлпон, Муҳаммад,  
Меҳрингга тўйишмади.  
Қилиб афсус, надомат,  
Тиллардан қўйишмади.

Қай маънода ушбу кун,  
Мен ҳам шулар кабирман.  
Шеърлар битган сен учун,  
Ўғлинг Илҳом Набирман.



## ХАЙР ДЕЯ...

Ёлгончи ёр, гўзал қиз,  
Эрга тегиб кетяпти.  
Оқ либосин этаги,  
Ерга тегиб кетяпти.

Пар ёстиққа оҳиста,  
Бошин қўйса, чўкади.  
Мени ўйлаб оҳ уриб,  
Кўз ёшларин тўкади.

Чидайманда, ғамларни  
Енгиб яшайман энди.  
Ёмғир бўлиб қалбида,  
Сингиб яшайман энди.

Ёмғирдай кириб охир,  
Айланаман қонига.  
Нетайин, ташлаб кетди  
Армонларнинг қомига.



## ХУДОЙИМ

Таъна тошларидан ёрилар бошим,  
Қара, кўзларимда қолмади ёшим,  
Беминнат ей дейман бир луқма ошим,  
Берсанг, ўзинг бергин, қодир Худойим.

Қаратма номарднинг қўлига зинҳор,  
Ахир менинг ҳам ўз орзуларим бор,  
Майлига, ўзингга йиғлайман зор-зор,  
Берсанг, ўзинг бергин, қодир Худойим.

Кимлардир бир бурда нон деб яшайди,  
Ким эса шарафу шон деб яшайди,  
Сени ўйлаб ғамли диллар яшнайдди,  
Берсанг, ўзинг бергин, қодир Худойим.

Топилиб турса-да баъзан оласи,  
Тухматга қолмасин инсон боласи,  
Етсин Илҳом йиғлаб ёзган ноласи,  
Берсанг, ўзинг бергин, қодир Худойим.



## АНДИЖОНГА КЕЛИН БЎЛ

Самарқандлик сарвиноз, Андижонга келин бўл,  
Қаддим қилиб юрай ғоз, Андижонга келин бўл.

Етти иқлим, етмиш юрт ошиқлари келса ҳам,  
Мен бошқаман, қилма ноз, Андижонга келин бўл.

Таърифингга тил ожиз, битилса-да дostonлар,  
Қўшиқ куйлаб, чалай соз, Андижонга келин бўл.

Майли, кутиб тураин, ишонтирсанг «кутгин» деб,  
Рози бўлсанг, мактуб ёз, Андижонга келин бўл.

Кел водийга, тўй қилиб, дўстларни жам қилайлик,  
Қалин пулим дема оз, Андижонга келин бўл.

Келин либосинг гулдор, зарлар тақиб келасан,  
Парилардай қил пардоз, Андижонга келин бўл.

Оҳлар уриб йиғладим, Илҳом кўнглин чўктирма,  
Дилни қилиб сарафроз, Андижонга келин бўл.



## ТУШИМДАГИ ОҚҚУШ

Тушларимга кириб сен,  
Оққуш бўлиб учаяпсан.  
Қўлинг оҳиста чўзиб,  
Мени маҳкам қучаяпсан.

Менчи, мен бу шодликдан,  
Юрагим эзиляпти.  
Сени чиндан севишим,  
Тушда ҳам сезиляпти.

Аmmo бу туш чин эмас,  
Сен ҳеч бундай қилмайсан.  
Севмайман деб алдайсан,  
Ё севишни билмайсан.

Ғамга тўлди юрагим,  
Келиб ҳолимни сўргин.  
Кўзларимда ўзингни,  
Оппоқ либосда кўргин.



## КУТАМАН ДЕСАНГ

Сочинг ўзим ўргайман,  
Қушдан қанот сўргайман,  
Келиб гулга ўрайман,  
Сизни кутаман, десанг.

Ўсма қўймасанг, қўйма,  
Бир бор, дилдор, чин сўйла.  
Қайтгум васлингни ўйлаб,  
Сизни кутаман, десанг.

Эсла ҳар бир сўзимни,  
Йўлингда зор кўзимни,  
Ҳадя этгум ўзимни,  
Сизни кутаман, десанг.

Ҳуснинг гўзал ойдаин,  
Ичиб қўйгум чойдайин.  
Оқиб келай сойдаин,  
Сизни кутаман десанг.



## ЙИГИТ ЙИҒЛАСА

Тоғ қулайди, йигит ҳасрат қилса агар,  
Қуёш сўнар, йигит дардин билса агар,  
Қани энди, бир бор йиғлаб бўлса агар,  
Йигит тўлиб йиғлолмайди, уят бўлар.

Аёлга ҳам осон эмас, аммо-лекин,  
Йиғлаб кўнглин ёзиб олар, аста-секин,  
Ихтиёри ўзида, ҳа, яшар эркин,  
Йигит тўлиб йиғлолмайди, уят бўлар.

Қўшиқларда оҳ чекади, оҳи ёлғон,  
Севганим ул моҳ десада, моҳи ёлғон,  
Таскин берар йигитларга гоҳи ёлғон,  
Йигит тўлиб йиғлолмайди, уят бўлар.

Сир бермайди булоқларга, йиллаб бориб,  
Ёрилтошга ёлинмайди, йиғлаб бориб,  
Ёрилтош ҳам не қиларди тошин ёриб,  
Йигит тўлиб йиғлолмайди, уят бўлар.



## БАХТИМ

Сен ёмғирсан, мен сойман,  
Сени интиқ кутаман.  
Шудрингсану майсадек,  
Қўлларимда тутаман.

Чинор бўлсам, шамолсан,  
Кетиб қайтиб келасан.  
Шеърларимга куй битиб,  
Қўшиқ айтиб келасан.

Бойчечаксан боғимда,  
Дилларни шод айлаган.  
Ялпизимсан, анҳорга  
Боришимни пойлаган.

Камалаксан, осмонга -  
Ранг берган, жило берган.  
Бахтим бор, менга сендек,  
Парини Худо берган.



## ҚАЛБ КЎЗИ

*Қобил Мирзога*

Юзга армон кўнган бўлса-да,  
Зулматларга кўнган бўлса-да,  
Кўз нурунгиз сўнган бўлса-да,  
Қалб кўзингиз равшандир сизнинг.

Байтларингиз тотли-асалдир,  
Кўзларингиз шеърү ғазалдир,  
На илож, бу - тақдир азалдир,  
Қалб кўзингиз равшандир сизнинг.

Кучга тўлган бу кун билагим,  
Сизни мамнун этмоқ тилагим,  
Худодан бир тилак тиладим;  
Қалб кўзингиз равшандир сизнинг.

Зўрман деган баъзи зўрлардан,  
Уялмаган порахўрлардан,  
Бахтлидирсиз қалби кўрлардан,  
Қалб кўзингиз равшандир сизнинг.



## КЕЛИНЧАК

Юрагимни парчаладинг,  
Оқ кийинган, оҳ, келинчак.  
Парчалаган парчаларинг  
Олиб кетгин, моҳ-келинчак.

Пар ёстиққа бошинг қўйиб,  
Тушлар кўргин, шоҳ келинчак.  
Оҳлар ургин тўйиб-тўйиб,  
Оҳлари бор, оҳ, келинчак.

Барча ҳуснинг кўриб дегай;  
- Бунча гўзал, воҳ келинчак!  
Хотиралар азоб бергай,  
Мени кўрсанг гоҳ келинчак.

Уялмагин, бошинг эгма,  
Қадди доим тоғ келинчак.  
Ўғил-қизга бўлгин эга,  
Меваси кўп боғ келинчак!

## СОЧЛАРИНГ

Сочларинг узун эмас,  
Белингача тушмайди.  
Лек негадир сочингни,  
Қўлим суюб ушлайди.

Юзларинг ҳам ой эмас,  
Аммо кўзлар тўймайди.  
Ўйламайин дейману,  
Нетай, юрак қўймайди.



Соғинаман ҳар куни,  
Кўрмай кўгнил тўлмайди.  
Ҳуснингдан пол-ҳайронман,  
Сени севмай бўлмайди.

Юриш-туришинг бўлак,  
Нозу карашманг тузук.  
Кел, нозик бармоғингга  
Тақиб қўяман узук.

## **КЎЧАМИЗДАГИ ҚИЗЛАР**

Кўчамизда қизлар кўп,  
Бир эмас, ўн еттита.  
Барчаси дугонадир,  
Ёшлари ўн еттида.

Ул ўн етти гўзалнинг  
Бор ҳар бирин сардори.  
Лекин ҳар бир қизни бор,  
Ўн етти харидори.

Ўн еттинчи баҳорни,  
Қаршилайди ул қизлар.  
Ўн еттинчи баҳорда,  
Яшнаб кетди гул қизлар.

Ушбу гўзал қизларнинг  
Орасида синглим бор.  
Тилагим барчасига  
Дейман: «Тоъле бўлсин ёр!»



## КЕЧИККАН МУҲАББАТ

Соч ўриб юрган қиз улғайди,  
Ўй суриб турган қиз улғайди,  
Сеҳринг бор юракни чулғайди,  
Ичкиб келдингми, муҳаббат?  
Кечикиб келдингку, муҳаббат!

Юрагим ишқни ҳис қилмасди,  
Ёр дея бағримни тилмасдим,  
Балки мен севишни билмасдим,  
Ичкиб келдингми, муҳаббат?  
Кечикиб келдингку, муҳаббат!

Кўкдаги ойларда эдинг сен,  
Ёки ул бойларда эдинг сен,  
Аввалроқ қайларда эдинг сен?  
Ичкиб келдингми, муҳаббат?  
Кечикиб келдингку, муҳаббат!

Содиқман ҳар айтган сўзимга,  
Ҳайронман ўзим ҳам ўзимга,  
Ўт бўлиб кўриндинг кўзимга,  
Ичкиб келдингми, муҳаббат?  
Кечикиб келдингку, муҳаббат!



## АЙТИЛМАГАН ГАПЛАР

Қийнаса-да қалбини дардлар  
Кимдир ярим йўлидан қайтар.  
Кимдир тугал ўз сўзин айтар,  
Айтилмаган гап кўп оламда.

Неча ҳофиз, шоирлар ўтди,  
Рост, барчаси бизни шод этди.  
Нолаларим Худога етди,  
Айтилмаган гап кўп оламда.

Қай бир қизнинг мақтаб қошини,  
Ўн саккизда дедик ёшини,  
Маҳкам тутдим сабр тошини,  
Айтилмаган гап кўп оламда.

Кимни билмай дилин қақшатдим.  
Баъзан йиғлаб кўнглим бўшатдим.  
Сизни энг зўр гулга ўхшатдим,  
Айтилмаган гап кўп оламда.



## УЙГА КЕТАЯПМАН

Йўлдаман, ёмғир куяр,  
Балки у мени суяр.  
Ёки у менга куяр,  
Ота, уйга кетаяпман.

Ёмғир қорга айланади,  
Нозли ёрга айланади.  
Деди: йўли бойланади,  
Ота, уйга кетаяпман.

Қақшатиб юз-қўлимни,  
Туман босди йўлимни.  
Йўқотмай ўнг-сўлимни,  
Ота, уйга кетаяпман.

Уйда онам-мунисим,  
Сингилгинам-муҳлисим.  
Соғиниб отам исин,  
Ота, уйга кетаяпман.

## ИЗИНГИЗНИ КЎЗГА СУРТАМАН

Нурга тўлган юзингиз қайда?  
Шогирд, ўфил, қизингиз қайда?  
Ҳазрат, босган изингиз қайда?  
Изингизни кўзга суртаман.

Қабрингизга гул экай бориб,  
Дардпашайин дардимни ёриб,  
Сўрагайман минг бор ёлвориб,  
Изингизни кўзга суртаман.



Ҳар бир ёзган достонингиз зўр,  
Булбуллар ҳам бўлар сизга жўр,  
Байтларингиз юрагимга қўр,  
Изингизни кўзга суртаман.

Шеъриятда баркамол шоҳсиз,  
Бизлар учун қуламас тоғсиз,  
Шеърларимдан балки огоҳсиз,  
Изингизни кўзга суртаман.

## **МУҲАББАТНИ ТУШУНМАГАН ХОЛАЛАРИМ**

Афсонавий баҳодирни суйганмидинг?  
Оппоқ қордай ҳарир кўйлак кийганмидинг?  
Айрилиққа чидолмайин, эй фариштам,  
Мени ўйлаб сен ҳам мендек куйганмидинг?

Самоларни титратади холаларим,  
Очилмади полазорда лоларим,  
Чидолмадим, иккимизни айирдилар,  
Муҳаббатни тушунмаган холаларим.

Бир иш қилди бир кун қисиб кўзларини,  
Англолмадим кўнглидаги сўзларини.  
Иситдими, совутдими, билмай қолдим,  
Унаштирди менга ўзин қизларини.

Ойлар ўтиб, йиллар ўтиб юриб-юриб,  
Йиғлаб-йиғлаб кўзларимда ёшим қуриб,  
Ошкор этиб холаларим ишларини,  
Қандай борай остонанга бошим уриб.



## ЎЙНОҚИ ШАМОЛ

Деразангни чертади шамол,  
Ўйнагиси келар сен билан.  
Қара, менинг деразам очик,  
Ўйнагиси келмас мен билан.

Бошингдаги рўмолинг олиб,  
Сочларингни ёзиб ўйнайди.  
Мен бу ҳолни кузатаман жим,  
Сенга боқиб кўзлар тўймайди.

Деразангни чертгим келса-да,  
Лекин бунга журъатим етмас.  
Боғда бугун ёлғизсан десам,  
Шамол сенинг ёнингдан кетмас.

Шамол мендан рашк қилар сени,  
Сен ҳам уни севасанми ё?  
Оқ булутга айланиб балки  
Оққуш каби бўласанми, ёр.

## БОЙЛИГИМ ЙЎҚ

Кимгадир бахт берар, кимга эса тахт,  
Бадавлат кишининг барча иши нақд,  
Мен сизни оламан деб қилдим у аҳд,  
Бойлигим йўқ аммо сиз ўйлаганча.

Тенгингиз эмасман балки, гулрухсор,  
Лек мажнун бўлганман-ишқингизда зор,  
Ўйланай, дилдорим, қилмасангиз ор,  
Бойлигим йўқ аммо сиз ўйлаганча.



Сўзласам, сўзимга йиғлаб тўлмайсиз,  
Очилган бир гулсиз, ҳеч ҳам сўлмайсиз,  
Узр, ёрим, энди хафа бўлмайсиз,  
Бойлигим йўқ аммо сиз ўйлаганча.

Қаламим - сирдошим, қаламим - дўстим,  
Оддий бир қишлоқда улғайиб ўсдим,  
Очиғи, ҳаётда кўп каму кўстим,  
Бойлигим йўқ аммо сиз ўйлаганча.

## ТҲЙИ БЎЛАДИ

Остонада хаёл сурар қиз,  
Эртадан сўнг тўйи бўлади.  
Барча қувноқ, у ғамгин ёлғиз;  
Эртадан сўнг тўйи бўлади.

Бу ҳам маккор совчилар иши,  
Қўнгани йўқ балки бахт қуши,  
Наҳот рўёб бўлмайди туши,  
Эртадан сўнг тўйи бўлади.

Тўйга айтиб қариндошларин,  
Қуйи эгиб мағрур бошларин,  
Йиғлаб-йиғлаб тўқар ёшларин,  
Эртадан сўнг тўйи бўлади.

Айблама, севсанг, уни ҳеч,  
Шодлик билан ўтмас куни ҳеч,  
Шошил, Илҳом, ҳали эмас кеч,  
Эртадан сўнг тўйи бўлади.



## ДЕЯРМИШСИЗ

Эзиламан дов-дарахтлар турса сўлиб,  
Севинаман бир варағим қолса тўлиб,  
Қай бир қизни илинтирдим шоир бўлиб,  
Шоирларнинг хуштори кўп деярмишсиз.

Кимга керак бу даҳмаза - қуруқ гаплар,  
Баъзан узун, баъзидачи юлуқ гаплар,  
Тинглаймизми биз ҳам сиздан қутлуғ гаплар,  
Шоирларнинг хуштори кўп деярмишсиз.

Уёламиз сўролмайин қалам ҳаққин,  
Ўқраясиз, кўзларингиз гўё чақин,  
Эмишмизки, бизлар шунча кўзга яқин,  
Шоирларнинг хуштори кўп деярмишсиз.

Кўринамиз кимларгадир ночор - ғариб,  
Туни билан оворамиз сўз ахтариб,  
Балки бизни қуйилмайди дерсиз қариб,  
Шоирларнинг хуштори кўп деярмишсиз.



## ХАЁЛОТДА ЯШАГИМ КЕЛАР

Барча суйган ёрин олади,  
Кимдир ойга кўлин солади,  
Фақат хаёлларда қолади,  
Хаёлотда яшагим келар.

Хиёнатни дўстларинг қилмас,  
Ғийбат, иғво бағрингни тилмас,  
Бой, камбағал ажрата билмас,  
Хаёлотда яшагим келар.

Хафа бўлмай бири-биридан,  
Барча яшар огоҳ сиридан,  
Асар ҳам йўқ юрак киридан,  
Хаёлотда яшагим келар.

Хаёлларда не ишлар бўлмас,  
Гуллар яшнаб туради, сўлмас,  
Энг ширини: одамлар ўлмас,  
Хаёлотда яшагим келар.



## ОЛЛОҲ МЕНГА ҚАЛАМНИ БЕРДИ

Ким не деса деявермай хўп,  
Ҳақни излаб йиғлагандим кўп,  
Асқотади дея шу бир чўп,  
Оллоҳ менга қаламни берди.

Кимлар учун гўдак боламан.  
Ишқ куйини тинмай чаламан,  
Оллоҳ берганини оламан,  
Оллоҳ менга қаламни берди.

Юракларим ҳасратга тўлдир,  
Балки мени пешонам шўрдир,  
Ё бўлмаса омадим шудир,  
Оллоҳ менга қаламни берди.

Кўп ишласам, ўйланиб озсам,  
Устозларнинг изларин боссам,  
Мен ҳам яхши, ширин шеър ёзсам,  
Оллоҳ менга қаламни берди.



## АГАР У ҚИЗ

Юзлари ой, сочи жингалак,  
Санам гўё ердаги малак,  
Ушбу дунё менга не керак,  
Агар у қиз мени севмаса.

Кўзларимда қуриб бўлди ёш,  
Бўлмаса ҳам гўзал қалам қош,  
Беролмайман ҳеч бунга бардош,

Агар у қиз мени севмаса.  
Қирқ кокилли қизларга эмас,  
Ул парига қиларман ҳавас,  
Жим қоламан боқиб бир нафас,  
Агар у қиз мени севмаса.

Фариштадек нақадар зебо,  
Узун соч-ла ўлчанмас ибо,  
Яратганга қиларман нидо,  
Агар у қиз мени севмаса.



## ҚҰЛИМДАН БОШҚА ИШ КЕЛМАЙДИ

Қатъийман. ёзганим - аҳдим шу,  
Ўтирган ўз ўрним, тахтим шу,  
Шоирлик бахт бўлса, бахтим шу,  
Қўлимдан бошқа иш келмайди.

Қизларни ой дея мақтадим,  
Кулса, шўх сой дея мақтадим,  
Дилларни шод этиш мақсадим,  
Қўлимдан бошқа иш келмайди.

Баъзан кенг дунёни тор дедим,  
Сочларни толасин дор дедим,  
Шудгорда ишлашга зор эдим,  
Қўлимдан бошқа иш келмайди.

Турли касб киради тушимга,  
Эгаман хаёлий қушимга,  
Ва яна келсам гар ҳушимга,  
Қўлимдан бошқа иш келмайди.



## ОРОЛГА

Тарихингни билолмай,  
Неча олим ҳалак-да.  
Қайдан пайдо бўлгансан,  
Тушганмисан фалақдан?

Кунда ташвиш, кунда тўй,  
Йўқдир менинг оромим.  
Сиринг недур, барини -  
Ўзинг айтгин, Оролим.

Булғаб тоза сувингни,  
Кимдир оёқ солдими?  
Айтавергин яширмай,  
Биздан кўнглинг қолдими?

Наҳот хафа бўлгансан,  
Ишлатсак гар тузингни.  
Балки билмай бир куни,  
Босдикмикин юзингни.

Кетмоқдасан қайларга,  
Бошқа жойга кўчдингми?  
Ёки ердан сен тўйиб,  
Мовий кўкка учдингми?!



## ПАРИЛАРГА АЙТИБ БЕР

Гулёр, оқ либос кийиб,  
Бошинг эгиб турибсан.  
Ёнингда ўктам йигит,  
Демак, турмуш қурибсан.

Ота-онамиз шошиб,  
Эрта патир ушатган.  
Менга ёшлигимдаёк,  
Қулоғингни тишлатган.

Ойдан гўзал қиз бўлдинг,  
Ошиқларинг кўпайди.  
Боғда гуллар бўй чўзар,  
Юзларингдан ўпай деб.

Хавотирда яшама,  
Йўқ, сени ўйламайман.  
Кимга қайлиқ бўлсанг ҳам,  
Сен томон бўйламайман.

Маили, барча сиримни,  
Париларга айтиб бер.  
Қулоғингдан тишимнинг -  
Изларини қайтиб бер.



## МУНДАРИЖА

Усмонжон Шукуров, Қалб алангаси	3
Онамсан, Ватан	4
Осмонга нарвон қўйиб	6
Ой	7
Янтоқ	8
Турон эдик	9
Капалак	10
Унинг тўйи бўляпти	11
Мендан шоир чиқармикан?	12
Қайда бўлади?	13
Бахт калити	14
Сени ўйлайман	15
Сўнги кўнғироқ	16
Қуёшли дунё	17
Муҳаббатнинг ранги	18
Андижон	19
Хайр дея	20
Худойим	21
Андижонга келин бўл	22
Тушимдаги оққуш	23
Кутаман десанг	24
Йигит йиғласа	25
Бахтим	26
Қалб кўзи	27
Келинчак	28
Сочларинг	28
Изингизни кўзга суртаман	28
Кўчамиздаги қизлар	29
Кечиккан муҳаббат	30
Айтилмаган гаплар	31
Уйга кетяпман	32
Изингизни кўзга суртаман	32
Муҳаббатни тушунмаган холаларим	33
Ўйноқи шамол, Бойлигим йўқ	34
Тўйи бўлади	35
Девярмишсиз	36
Хаёлотда яшагим келар	37
Оллоҳ менга қаламни берди	38
Агар у киз...	39
Қўлимдан бошқа иш келмайди	40
Оролга	41
Париларга айтиб бер	42



Адабий-бадиий нашр  
**Илҳом НАБИ**  
**ДЕРАЗАНГНИ ЧЕРТАМАН**  
(Шеърлар)

Мухаррир: Пўлат Абдулла.  
Мусаввир: А. Мамиталиев.  
Мусаҳҳиҳ: М. Усмон.  
Саҳифаловчи: Ҳ. Парпиев

Босмахонага 30.01.2005 йилда берилди.  
Босишга 18.02.2005 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108/32. Ҳажми 1,37.  
Буюртма № 374. 1050 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ  
босмахонасида босилди.

***Ушбу биринчи китобимнинг нашр этилиши-  
да самимият билан амалий ёрдам кўрсатган  
Таваккал ака Аббосов, Мухтор ака Иминовлар-  
га чин юракдан миннатдорчилик билдираман.  
Муаллиф.***